

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИМОВ СУХРОБ УСМОНОВИЧ

**ҚОН КЕТИШИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН МЕЪДА ВА ЎН ИККИ
БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА
ГЕМОСТАЗ БУЗИЛИШИНИНГ ПАТОФИЗИОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология
14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алимов Сухроб Усмонович

Қон кетиши билан асоратланган меъда
ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги
мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг
патофизиологик аспектлари.....

Алимов Сухроб Усмонович

Патофизиологические аспекты нарушения
гемостаза у больных с язвенной болезнью
желудка и двенадцатиперстной кишки с
осложненным кровотечением.....

Aimov Sukhrob Usmonovich

Pathophysiological aspects of hemostasis disorders
in patients with gastric ulcer and duodenal ulcer with
complicated bleeding.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЛИМОВ СУХРОБ УСМОНОВИЧ

**ҚОН КЕТИШИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН МЕЪДА ВА ЎН ИККИ
БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ МАВЖУД БЕМОРЛАРДА
ГЕМОСТАЗ БУЗИЛИШИНИНГ ПАТОФИЗИОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология
14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1206 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Каримов Хамид Ёқубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мавлонов Олимбой Разақович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Зокиров Ёрқин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Турсуметов Абдусаттор Абдумаликович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Андижон давлат тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузурдаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «19» 10 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail ta2005@mail.ru).


Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (776 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «07» Октябр да тарқатилди.
(2021 йил «07» Октябр даги 16 рақамли реестр баённомаси).




Г.И. Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор


Д.Ш.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий кенгаш илмий қотиби, тиббиёт
фанлари доктори


А.Б. Саидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги–мураккаб патологик жараён бўлиб, кўп ҳолатда инфекция асосида ўн икки бармоқ ичак ва меъда шиллиқ қаватининг яллиғланиши ҳисобланади, дунё аҳолисида қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Яра касаллиги кўп учрайдиган касалликлар турига кириб, катта ёшдаги аҳолининг 5-15% ни хасталайди. ЖССТнинг маълумотларига кўра, «...умуман инсон ва жамият учун касаллик вақти (DALY кўрсаткичлари бўйича) ва яра касаллиги турли мамалакатларда 100 000 аҳолига нисбатан 20 дан 220 гача, ўлим кўрсаткичи 246 000 ни ташкил қилади...»¹. Сўнгги йилларда аҳоли орасида ярага боғлиқ гастродуоденал қон кетишлар сони ортиб бормоқда. Бундай ҳолатда беморларнинг оғирлик ҳолати, қон йўқотиш босқичи ва қон кетиш интенсивлиги, бемор ёши ҳамда қўшимча ҳамроҳ касалликларга боғлиқлиги билан изоҳланади. Шу сабабли қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик томонлари энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик томонлари аҳамиятини яхшилаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада яра касаллигида юзага келувчи метоболик ўзгаришлар ва гемостаз тизими бузилишлари орасидаги боғлиқлиги, қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморлар гемостаз тизимининг бузилиши, гастродуоденал қон кетиш кузатилган беморларда қон йўқотиш даражасига боғлиқлигини белгилаш, қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги патогенетик асосланган, дифференциал ёндашилган, даволаш усуллари яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, турли соматик касалликларни эрта ташҳислаш ва асоратларини камайтириш, жумладан, қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, уларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда

¹Щеголев А.А. [и др.] Первый опыт применения EndoClot в лечении кровотечения из верхнего отдела пищеварительного тракта // Сб. материалов VII эндоскопии 2016." - Санкт-Петербург, 2016. - С.-143-144.

«...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таххис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор илмий тадқиқотларда бир нечта касалликларда гемостаз ҳолати, жумладан, сепсис билан касалланган беморларда (Афанасьев А.А. ва б., 2018), юрак ишемик касалликларида (Абдумаликова Ф.Б. ва б., 2020) ўрганилган. Бошқа олимлар томонидан маҳаллий кенг тарқалган меъда саратонининг асоратланган қон кетиши кузатилган беморларда ивиш тизими ҳолати ўрганилган (Насиров А.Б., 2010). Илмий тадқиқотлар давомида ГДҚК кузатилган беморларни парваришлашнинг мақбул тактикасида бемор ҳолатининг оғирлиги, эндоскопик гемостаз тури ва унинг барқарорлиги, шунингдек жарроҳлик бўлимига бемор келган вақтнинг дастлабки соатларида қон кетишнинг қайталаниши аниқлаган (Джамалов С.И. ва б. 2014). Шу билан бирга ярага боғлиқ қон кетиш кузатилган беморларда гемостаз тизимини текширилганлиги бўйича маълумотлар жуда ҳам кам. Адабиёт маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, асосан бошқа патологияли беморларда гемостаз тизими ҳолати ўрганилган. Бизга, маълум бўлган

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

адабиётларда гастродуоденал ярадан асоратланган қон кетиш кузатилган беморлар гемостаз тизимининг ҳолатига бағишланган ишлар жуда кам учрайди. Буларнинг барчаси қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектиларини тизимлаштиришга йўналтирилган қўшимча тадқиқотларни талаб қилади.

Ўзбекистонда меъда ичак ва ўн икки бармоқ ичак яра касалликларини хирургик даволаш, юрак ишемик касаллигида гастродуоденал қон кетишларни ташхислаш ва даволаш тактикасини такомиллаштириш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Каримов Ш.И., 2015; Рахимов Р.И., 2021), бироқ, қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектилари очиб беришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шундай қилиб, қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектиларини кейинги босқичларда чуқур ўрганиш тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларда гемостаз тизими бузилишига сабаб бўлувчи гомеостатик омиллар ва уларнинг патогенетик механизмларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

яра касаллигида юзага келувчи метаболик ўзгаришлар ва гемостаз тизими бузилишлари орасидаги боғлиқликни баҳолаш;

қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларда гемостаз тизимининг бузилишини баҳолаш;

гастродуоденал қон кетиш кузатилган беморларда қон йўқотиш даражасига боғлиқ ҳолда гемостаз тизими бузилишини баҳолаш;

гемостаз тизимидаги асосий механизмларнинг бузилишини инобатга олган ҳолда қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликли беморларда патогенетик асосланган, дифференциал ёндашилган даволаш усулларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси жарроҳлик касалликлари кафедраси клиникасида 2019-2021 йиллар даврида қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигидан даволанган 119 нафар беморда гемостаз тизими мақсадли равишда 3 гуруҳга бўлинди: I- асосий гуруҳ 119 нафар бемор; II – текширилувчи гуруҳ 20 нафар (амалий соғлом шахслар); III – асоратланмаган меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярали 23 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқ ича яра касаллиги мавжуд беморларнинг гемостаз тизимида тромбоцитлар агрегациясининг пасайиши, қон кетиш, қон ивиш вақтининг узайиши, қисман фаоллашган тромбопластин вақтининг ошиши, қон йўқотиш, ҳар доим қон таначаларининг етишмаслиги, катта қон йўқотиш, автогемоделиция пасайиши, фибриноген ва мос равишда тромбоцитлар агрегацияси, ПТИгача пасайганлиги, қон йўқотилишининг бир даражасида гемостаз тизимининг қон кетиш давомийлиги муддатларида динамик ўзгаришининг материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал ва гемостазиограмма ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларда касаллик кечиши ва ривожланишида гемостаз тизимининг аҳамияти очиб берилган;

ярага боғлиқ гастродуоденал қон кетган беморларда қон йўқотиш ва қон кетиш ҳолатига боғлиқ ҳолда гемостаз тизимидаги бузилишларнинг муҳим кўрсаткичлари исботланган;

қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларда яра ўлчами ҳамда яра анамнези давомийлигига боғлиқ ҳолда гемостаз тизимидаги бузилишнинг кўрсаткичлари аниқланган;

гастродуоденал қон кетган беморлар жинси, қон гуруҳи ва тана тузилишига боғлиқ ҳолда гемостаз тизимидаги бузилишнинг корреляцион боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларда касалликнинг кечиш даврларида олиб борилган кўп сонли тадқиқотлар гемостаз тизимидаги ўзгаришларни баҳолаган;

қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларда қон йўқотиш, қон кетиш, яра ўлчами ҳамда анамнезига боғлиқ ҳолда гемостаз тизимидаги ўзгаришлар, организмнинг умумий ҳолатини тезкор ва аниқ баҳолаш, даволаш жараёни самарадорлигини ошириш имконини яратган;

гемостаз тизими кўрсаткичининг прогностик аҳамияти беморнинг жинси, қон гуруҳи ва тана тузилиши орқали айрим клиник-анамнестик маълумотлар билан бирга касалликнинг оғирлик даражаси баҳоланган;

касаллик кечишини башоратлаш, қайталаниши, шунингдек, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликларининг асоратли қон кетиши кузатилган беморларда патогенетик асосланган даволаш усуллари яхшиланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, инструментал ва гемостазиограмма, статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектларини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлигини асослашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган беморларни даволашда гемостаз тизими бузилишининг кўрсаткичлари, тромбоцитлар агрегацияси, протромбин вақти, қисман фаоллашган тромбин вақти, қон ивиш вақти, фибриноген, тромбоцит, гемокрит ва гемоглобин миқдорини мақсадли равишда қўллаш истиқболли йўналиш орқали даволаш сифатини яхшилаш тартибининг назарий аҳамияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биринчи (41,5%) ва иккинчи (28,3%) қон гуруҳи беморларининг гастродуоденал қон кетишга мойиллиги, гемостаз кўрсаткичлари, клиник белгилари ҳамда қон гуруҳи орасида корреляцион боғланиш мавжудлиги, беморларда мақсадли қон гуруҳини аниқлаш гастродуоденал қон кетиш билан касалланишда хавф гуруҳи беморларини ажратиш имконини берганлиги, поликлиника ва стационар шароитда гастродуоденал қон кетиш билан асоратланган беморларда профилактика ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектларини баҳолаш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида «Қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқ ича яра касаллиги

кузатилган беморлар оғирлик даражасини баҳолаш» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 8н-д/16-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектларини баҳолаш орқали касалликни эрта ташхислаш беморларни даволашда хирургик амалиётнинг самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектларини асослашга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани тиббиёт бирлашмаларининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 майдаги 8н-з/93-сон маълумотномаси). Олинган натижалар қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз тизимининг бузилишига асосланган ҳолда қон кетиши давомийлиги ва қайталанишини башорат қилиш, беморларни диагностик ва даволаш алгоритмининг ишлаб чиқиш, беморларнинг оғирлик даражасини аниқлаш, қон кетиш ва қайталанишини башорат қилишнинг аниқлигини оширишга, патогенетик асосланган даволаш усуллари яхшилаш учун клиник-анамнестик маълумотлар билан биргаликда гемостаз тизими кўрсаткичларининг прогностик аҳамиятини ўрнатиш, беморларнинг стационарда бўлиш давомийлигини ҳамда асоратларнинг учрашини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги хирургик ташхислаш ва даволашнинг долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган. Мазкур бобда гастродуоденал қон кетиш кузатилган ҳолатда гемостаз тизимидаги ўзгаришлар урганилганлик муаммолари куриб чиқилган. Олинган маълумотлар таҳлили ёритилган бўлиб, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Қон кетиши билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектларини баҳолаш материал ва усуллари**»га бағишланган. Мақсадга етиш учун қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган 119 беморнинг даволаниш натижалари таҳлил қилинди. Барча беморлар 2019-2021 йиллар мобайнида Тошкент тиббиёт академияси жарроҳлик касалликлар кафедраси базасидаги клиникада (1-шаҳар клиник касалхона базасида) даво муолажаларини олган. Қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги кузатилган 119 нафар беморда гемостаз тизими мақсадли равишда ўрганилди. Беморлар 3 гуруҳга бўлинди: I- асосий гуруҳ 119 нафар бемор; II – текширилувчи гуруҳ 20 нафар (амалий соғлом шахслар); III – асоратланмаган меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярали беморлар 23 нафар бемор.

Шифохонага мурожат қилган гастродуоденал яра асорати кузатилган барча беморларнинг клиник-анамнестик маълумотларини ўрганиш билан бир қаторда клиник ва биокимёвий текширувлар: қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, мочевина, қон креатини, умумий оқсил ва унинг фракцияси, қанд, билирубин (умумий, боғланган ва боғланмаган), қон ферментлари (АСТ, АЛТ); беморларнинг ҳаммасида ўпка рентгеноскопия ёки рентгенографияси ЭКГ, зарур бўлганда бошқа текширувлар олиб борилди. Гастрофиброскопик техникани амалиётга татбиқ қилиш ўтмишга хос бўлган пессимизм ва диагностик кучсизликка барҳам берди, на қарилик, на ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги, на геморрагик шок клиникаси даволаш-диагностик муолажани ишлаб чиқиш учун қарши кўрсатма ҳисобланмайди. Қон кетишнинг топик диагностикаси, унинг интенсивлиги, яра характери, унинг жойлашиши, қон кетаётган томир ҳажми кўпинча даволаш олди режасини ишлаб чиқиш, жараённи тўғри баҳолашга сабаб бўлди. Қон таркибий қисмлари ҳамда гемостаз кўрсаткичлари қўйидаги текширувлар

орқали амалга оширилди: қон айланиш хажмини (ҚАХ) ва унинг компонентларини Горбашко таснифи бўйича аниқланди; гематокрит кўрсаткичлари Ht ва глобуляр хажм танқислиги (ГХТ) аниқланди; гемоглобин миқдори аниқланди; эритроцитлар миқдори аниқланди; қон плазмасидаги оксил миқдори аниқланди; қон таркибидаги глюкоза миқдори аниқланди; қондаги биллирубин миқдори аниқланди; барча беморларда ЭГДФС амалга оширилди; қон кетиш характери Форест бўйича аниқланди; қон йўқотиш миқдори Горбашко усулида аниқланди; қон ивиш вақти Ли-Уайт бўйича аниқланди; протромбин вақти аниқланди (ПТВ); плазма таркибидаги фибриноген миқдори аниқланди; тромбоцитар агрегацияси аниқланди; тромбоцитлар аниқланди; активлашган қисман тромбопластин вақти (АКТВ).

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2018 дастурий пакетидан фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда қўлланилган тартибда статистик қайта ишланди.

Диссертациянинг «**Гастродуоденал яра кузатилган беморларнинг клиник параметрлари**» деб номланган учинчи бобида 61 нафар беморда қон кетиш давомийлиги 1 кунгача, 34 беморда 1-3 кунгача ва 24 нафар беморда 3 кундан ортиқроқ кузатилди. 27 (22,7%) беморда қон йўқотишнинг I даражаси, 67 (56,3%) беморда II даражаси ва 25 (21%) беморда қон йўқотишнинг III даражаси аниқланди.

Гастродуоденал яра кузатилган ҳамма беморларда эзофагогастро-дуоденофиброскопия ўтказилди. Қон кетиш асоратланган жаралар 78 нафар беморда ўн икки бармоқли ичак илдизининг орқа деворида, 16 нафар беморда қон кетаётган яранинг олд деворида, 15 нафар беморда кичик эгри деворда ва 10 нафар беморда катта эгри деворда жойлашган. 28 беморда яра ҳажми 0,5 см гача, 76 беморда 1,0 смгача, 10 нафар беморда 1-2,0 см, 5 нафар беморда 2,0 смдан катта жаралар кузатилган. 115 (96,6%) беморда стационарга ётказилганидан кейинги дастлабки соатларда шошилишч эндоскопик текширув олиб борилди, қон кетишнинг характери ва манбаси аниқланди, шунингдек қон кетишнинг қайталаниш хавфини аниқлаш учун муҳим морфологик мезонлар олинди.

ЭГДФС натижа кўрсаткичларидан аниқландики, гастродуоденал қон кетиш кузатилган беморларнинг асосий қисми Forest бўйича ПА-28 (23,54%) нафар бемор ва ПВ- 82 (68,92%) гуруҳга тегишли бўлди. Улар хавф гуруҳига киришди (Дирибов М.Д. ва б. 2008).

119 нафар беморнинг 28 нафарида қон кетиш давомли бўлди. Совуқ сув билан ювилди, шиллиқ қават зонд орқали аминоксапрон кислота эритмаси билан юборилди. Ушбу гуруҳ беморларида турли усулларда (инъекция усули, томирлар электрокоагуляцияси) эндоскопик гемостаз олиб борилди. 23 беморнинг 7 нафарида эндоскопик гемостаз ўтказилганидан кейин 2 та

беморда қон кетиш қайталанди, бу кўрсаткичлар адабиёт материалларига мос келди (Лебедев Н.В. ва б. 2014). Улар шошилиш тарзда операция қилинди.


Қон кетаётган томир калибри 0,1 - 0,3 см атрофида тебраниб турди.

74 (62,2 %) беморда қон кетиш тўхтаганлигининг белгилари аниқланди (қайд қилинган қўйилиш (тромб ҳажми >2мм диаметр).

Шундай қилиб, эндоскопик усул гастродуоденал қон кетиш диагностикасида қимматли усул ҳисобланади, у қон кетиш манбасини, унинг интенсивлигини, яра характерини, қон кетаётган томир калибрини, аввалги қон кетиш белигиларини, шунингдек маҳаллий гемостаз олиб бориш имкониятини берди.

Ярадан қон кетиш жуда кўп ҳолатда бир йилгача яра касаллиги билан касалланган беморларда учради. 47 (39,4%) беморда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликларининг биринчи белгилари эндоскопия ёрдамида аниқланган қон кетиш бўлди.

Беморларнинг касалхонага келган вақтидаги клиник – лаборатор текширувларида юрак уриш пульси кўрсатилган. Бир дақиқа ичида 16 (13,5%) нафар беморда 90 та, 21 (17,6%) нафар беморда дақиқасига 100 та, 57 (47,9%) нафар беморда дақиқасига 120, 25(21%)нафар беморда дақиқасига 140 та пульс кузатилган. 25 (21%) нафар беморда артериал босим (АБ) 90/60 мм. симоб устунига пасайган, 37 (31,2%) нафар беморда эса АБ меъёрида – 120/80 мм. симоб устунига тенг бўлган, 57 (47,8%) нафар беморда АБ=100/60 мм. симоб устунига бўлган. 37 (31,2%) нафар беморда эритроцитлар миқдори $4,5 \pm 0,04 \times 10^{12}$, 57 (47,8%) нафар беморда $3,72 \pm 0,05 \times 10^{12}$ атрофида, 25 (21%) нафар беморда $3,2 \pm 0,04 \times 10^{12}$ га тенг бўлган. 37 нафар беморда гемоглобин миқдори $125 \pm 1,07$ г/л, 57 нафар беморда $110 \pm 0,95$ г/л атрофида, 25 нафар беморда $90 \pm 1,56$ г/л ни ташкил қилган.



1-расм. Яра анамнези давомийлиги

Тромбоцитлар миқдори қуйидагича бўлган: 25 нафар беморда $250 \pm 6,2 \times 10^9$ г/л, 57 нафар беморда - $230 \pm 6,2 \times 10^9$ г/л, 37 нафар беморда - $220 \pm 6,2 \times 10^9$ г/л.

Гематокрит кўрсаткичи (Ht) 37 нафар беморда - $37,22 \pm 0,52\%$, 57 нафар беморда - $29,62 \pm 0,38\%$, 25 нафар беморда - $22,4 \pm 0,4\%$ кузатилган.

Глобуляр ҳажм танқислиги (ГХТ) қуйидагича кўринишда кузатилди: 37 нафар беморда - $16,5 \pm 0,1\%$, 57 нафар беморда - $25,78 \pm 0,17\%$, 25 нафар беморда - $22,4 \pm 0,4\%$.

Плазмада умумий оксил миқдори 37 беморда - $73,5 \pm 0,51$ г/л, 57 беморда - $68,4 \pm 2,4$ г/л, 25 беморда - $62,4 \pm 0,4$ г/л га тенг бўлган.

Шунинг учун, ГХТ, қизил қон кўрсаткичи ва оксил миқдори қон йўқотишнинг учта босқичи билан мос келган.

Тадқиқотнинг инструментал ва лаборатор усуллари муҳим аҳамият касб этади, бу эса аниқлик киритиш имконини беради. Қон кетиш манбаи қон йўқотишнинг миқдорий тавсифи ва уни компенсация қилиш имконини беради.

Маълумотларимизга кўра, қон йўқотиш даражаси беморнинг оғир ҳолатига мос келади, маълум умумклиник белгилар бўйича баҳоланади.

Диссертациянинг «**Гастроудоденал яра касаллигида гемостаз кўрсаткичларининг патогенетик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи бобида қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз тизими ўзгаришлари ўрганилган.

Қон йўқотиш ҳар доим қон таначаларининг етишмаслиги билан тавсифланади. Қон айланишининг 40% ни кескин йўқотиш деб таърифланган катта қон йўқотиш, гематокритнинг 24% гача ва гемоглобин концентрациясининг 80 г/ л гача пасайишига олиб келади. Автогемоделиция натижасида ушбу нисбий кўрсаткичлар кейинги 24-36 соат ичида янада пасаяди. Биринчи даражали қон кетишида назорат гуруҳи билан солиштирганда гемоглобин миқдори дастлабки кунда $96,0 \pm 2,5$ г/л дан кузатувнинг 7 суткасида $114,0 \pm 4,0$ г/лгача кўтарилганлиги, гематокрит кўрсаткичи $32 \pm 0,7\%$ дан $38 \pm 2\%$ гача, эритроцитлар сони $3,2 \pm 0,18$ дан $3,8 \pm 2,0$ гача, тромбоцитлар $185 \pm 8,0$ дан $208 \pm 2,0$ гача, қон ивиш вақти $3,54 \pm 0,45$ дан $6,4 \pm 0,27$ минутгача фибриноген $2,22 \pm 0,2$ дан $2,4 \pm 0,2$ гача ортганлиги ва мос равишда тромбоцитлар агрегацияси $57 \pm 1,9$ дан $44,5 \pm 2,2\%$ гача, ПТИ $97 \pm 1,5$ дан $85 \pm 2,0\%$ гача пасайганлиги аниқланди. Бу эса патогенетик жиҳатдан қон йўқотилишининг 1 даражасида гемостаз тизимининг қон кетиш давомийлиги муддатларида динамик ўзгаришини билдиради.

Кузатувимизда бўлган қон йўқотилишининг 2 даражасида ҳафталик гемостаз динамикасида гемоглобин миқдори биринчи кундаёқ $81,0 \pm 2,55$ г/л дан 7 кунгача атиги $99 \pm 4,0$ г/лгача кўтарилганлиги, гематокрит кўрсаткичи $27 \pm 0,7\%$ дан $33 \pm 2,0\%$ гача, эритроцитлар сони $2,7 \pm 0,18$ дан $3,3 \pm 0,3$ гача,

тромбоцитлар $168 \pm 2,1$ дан $210 \pm 2,2$ гача, қон ивиш вақти $3.22 \pm 0,45$ дан $5,47 \pm 0,27$ минутгача, фибриноген $1,99 \pm 0,2$ дан $2.4 \pm 0,2$ гача, тромбоцитлар агрегацияси $43 \pm 2,1$ дан $46.5 \pm 2,2$ %гача, ПТИ $79.6 \pm 1,9$ дан $81 \pm 1,5$ %гача пасайганлиги ортганлиги аниқланди. Гемостаз кўрсаткичларининг ушбу силжишларидан бирламчи қон ивиш факторларининг қон йўқотиш даражасига тўғри пропорционаллиги хусусида тўхтамга келинди.

Қон йўқотишнинг 3 даражасида дастлаб гемоглобин миқдори $66,0 \pm 2,5$ г/л гача тушиб кетганлиги, учинчи кунда $75 \pm 4,5$ г/л, ҳафта охирига бориб эса $84 \pm 4,0$ г/л гача кўтарилиши кузатилди. Гемокрит кўрсаткичи $22,0 \pm 0,7$ %га, яъни меъёрий кўрсаткичдан 2 баробар тушиб кетганлиги, 3 кунга келиб эса жуда кам силжишига ($25,0 \pm 1,5$ %), 7 кунда $28 \pm 2,0$ % га кўтарилганлиги аниқланди. Эритроцитлар миқдори динамикаси гемоглобин силжиш темпига тўғри пропорционаллиги кузатилди. Тромбоцитлар миқдори $130 \pm 3,5$ дан $164 \pm 1,6$ гача бўлиши барча шакли элементлар сонида сезиларли даражада пасайиш гемостазнинг иски босқичи сустигидан далолат беради. Унга мос равишда тромбоцитлар агрегацияси $42 \pm 2,1$ % дан 7 кунда $37 \pm 2,2$ % гача тушиб кетиши тромб ҳосил бўлиши паст даражага тушганлигини билдиради. Фаоллашган тромбланиш заррачалари пайдо бўлиши $3,13 \pm 0,45$ сониядан $4.49 \pm 0,27$ сониядагача силжиши гемостаз мустаҳкамлиги пастлиги аниқланди. ПТИ кўрсаткичида ҳам $76,6 \pm 2,1$ дан $68 \pm 1,0$ % гача ўзгариш аниқланди. Тромбин ҳосил бўлиш вақти $16-17 \pm 0,3$ гача чўзилиши, фибриноген миқдори эса 2 г/л га ҳам кўтарилмаганлиги мазкур гуруҳ беморларимизда қон кетиш давомийлиги ва миқдоридан келиб чиқиб гемостаз жараёни анча ишончсиз

Қон айланиш ҳажмининг 10% га камайишига жавобан қон босими 7% га пасаяди ва юракнинг қон ҳайдаш ҳажмини 21% га камайтиради. Юрак қон ҳайдаш ҳажмининг сусайиши, асосан, буйрак, мезентериал, жигар артериялари ҳавзаларида, қўл-оёқларнинг томирларида қон оқимининг пасайишига сабаб бўлади. Мия ва юрак дастлаб қон айланишини марказлашиши туфайли меъёрий қон таъминотини сақлаб туради.

Аммо тез ва катта қон йўқотишда миокард ва мия тўқимасида ўзгаришлар юз беради. ЭКГ маълумотларига кўра миокард гипоксияси қайд этилди. Жиддий қон йўқотиш билан, айниқса геморрагик шок билан юрак етишмовчилиги ривожланади. ҚАҲ етишмовчилиги 20% ва ундан юқори бўлганида мия гипоксияси оқибатида марказий асаб тизимининг фаолиятида бузилишлар кузатилади.

Катта миқдорда қон йўқотиш буйрак қон оқимининг жиддий ўзгаришларига олиб келади. Пўстлоқдан мия қисмига қон оқимининг қайта тақсимланиши кузатилади. У кортикомедуляр зонаси томирларида интенсив қон оқимини сақлаб, интерглобуляр артериялар ва гломерулаларнинг афферент артериолалари спазми натижасида, экстамедуляр ўтказилиши вужудга келади. 100 г тўқимага 200 мл/мин гача қон оқимининг пасайиши оқибатида филтрлаш сезиларли камаяди. Буйракларда ишемия ривожланиб

бориши натижасида ренин секрециясини кучаяди. Алдостерон ҳосил бўлишининг ангиотензив стимуляцияси содир бўлади. Ушбу гуморал омиллар вазоконстрикцияни янада кучайтиради. Буйракнинг ишемик шикастланиши қон оқими 90% га камайганда юз беради. Натижада ўткир буйрак етишмовчилиги ривожланади. Қон айланиш тизимидаги қон йўқотишининг компенсацион реакциялари юқорида айтиб ўтилган периферик вазоконстрикция, шунингдек, қоннинг сегментар қайта тақсимланиши билан белгиланади. Периферик вазоконстрикция қон айланишини марказлаштиришда етакчи рол ўйнайди. Бу қонни юракка сафарбар қилишга ёрдам беради. Прекапилляр томирлар олдидаги ва посткапилляр томирлардаги қаршилик ўртасидаги нисбат, айниқса скелет мушакларида кучаяди. Натижада капилляр босим сезиларли даражада камаяди. Ушбу қон томир реакциялар симпатик-буйрак усти тизими иштирокида амалга оширилади. Қон босими даражаси қанча паст бўлса, қондаги катехоламинлар даражаси шунчалик кўтарилади. Қон йўқотилгандан сўнг дарҳол қонда адреналин даражаси 10-20 марта кўтарилади. Ушбу стимуляция қон йўқотишнинг барорецепторларга таъсирига боғлиқ.

Вазоконстрикция, ҳимоя хусусиятлари билан бирга, патологик жараёнларни белгилайди. Барча ҳолатларда, бу ацидоз ривожланиши билан тўқималарнинг гипоксиясига олиб келади. Кислородга бўлган эҳтиёжнинг пасайишига қарамай, организм кислород етишмаслигидан азият чекади. Метаболик кислородга бўлган эҳтиёжнинг 50% игина қопланади. Аутогемодилюция қон айланиш ҳажмидаги дефицитни тўлдиришга қаратилган. Ўртача капилляр босимнинг пасайиши натижасида тўқима суюқлиги қон томир бўшлиғига ўтади. Кейинчалик бунга марказий артериялар ва веналардаги босимнинг пасайиши ҳам вужудга келади.

Қўшимча касалликлари мавжуд қон кетиши асоратланган гастродуоденал ярали беморлар (юрак қон томир касалликларида) барча тадқиқ қилинган кўрсаткичларнинг ишонарли даражада ($P \leq 0.001$) деярли 2 баробар пастга силжиганлиги, фақат тромбин вақтининг узайиши кўзга ташланади. Гемостаз кўрсаткичларининг бу тарзда ўзгариши антиагрегатларнинг мунтазам қўлланилиши билан тушунтириш мумкин. Гипертония касаллиги аниқланган беморларнинг ўртача кўрсаткичлари меъёрий катталиклардан паст, лекин ЮҚТ касаллиги кузатилган беморлар кўрсаткичларидан нисбатан юқорироқ эканлиги кузатилди. Айниқса тромбоцитлар сони миқдорининг сезиларли фарқи ($174,0 \pm 2,0$) тафовуд қилинади. Бир вақтнинг ўзида бўғим патологиялари билан азият чекаётган беморларнинг тахлил натижаларида эса юқоридаги қонуният, яъни гемостаз фазаларининг ички механизми ($Hb 82,0 \pm 4,5$ г/л; тромбоцитлар агрегацияси $48,2 \pm 1,1\%$) бузилишига сабаб бўлувчи кўрсаткичлар пастли аниқланди.

Жигар-ўт йўли касалликлари ва ошқозон ости беши сурункали норосоликлари бўлган 72 нафар беморларнинг гемостаз кўрсаткичлари тахлил қилинганда гемоглобин миқдори 80,0 г/л, гематокрит кўрсаткичи 24

% гача, эритроцитлар сони 2,5 гача, тромбоцитлар 165 гача, қон ивиш вақти 3.73 минутгача, фибриноген 2,17 гача, мос равишда тромбоцитлар агрегацияси 51% гача, ПТИ 8,2% гача пасайганлиги аниқланди. Ривожланаётган жигар гипоксияси жигарда оқсил синтези, углевод, пигмент, антитоксик ва мочевина алмашинуви функцияларининг пасайишига олиб келади. Адабиёт маълумотларидан маълумки гиперензимемия ва жигарда гепатоцитларнинг ёғли ва донатор дистрофияси кўринишидаги оғир морфологик ўзгаришлар кузатилади. Бу гуруҳ беморларда яра касаллигининг жигар метаболитик ўзгаришлари фонида кечиши гемостазнинг бир томондан қон томирлар чидамлилигини, хусусан гемостазнинг томир-эндотелий механизми кечишига таъсири сифатида баҳоланса, иккинчи томондан оқсил синтезида иштирок этувчи ферментларнинг танқислиги, унинг оқибатида онкотик фазанинг тўлақонли бўлмаслиги ётади.

Гемостаз жараёни учун гемоглобин миқдорининг яра ўлчамига боғлиқлиги тахлили кўрсатишича, 0,5 см гача бўлган кичик яраларда $103,0 \pm 4,5$, 1,0 смгача бўлган ўлчамда $80,0 \pm 2,5$, 1,0-2,0 см яраларда $75,0 \pm 4,5$, икки сантиметрдан катта ўлчамли яраларда гемоглобин миқдорининг янада пастлиги ($64,0 \pm 2,5$) г/л лиги маълум бўлди. Гемокрит кўрсаткичи мос равишда 0,5 см- $34,0 \pm 1,5$, 0,5-1,0 см- $28,0 \pm 0,7$, 1-2,0 см- $25,0 \pm 1,5\%$, 2,0 смдан катта яраларда $21,0 \pm 0,7\%$ лиги аниқланди.

Эритроцитлар миқдори кичик ўлчамли (0,5 см) яраларда - $3,3 \pm 0,2$; 0,5-1,0 см катталиқда бўлса - $2,5 \pm 0,18$; ўртача катталиқдаги яраларда (1-2,0 см) - $2,5 \pm 0,2$; 2,0 смдан катта яраларда $-2,2 \pm 0,18$ ни ташкил этиши яра қанчалиқ катта ўлчамда бўлса ундан оқиши мумкин бўлган қон ўзи билан шаклли элементларни, жумладан эритроцитларни камайишига ($p \leq 0.001$) олиб келади.

Тромбоцитлар миқдори ҳам яра катталиғига тескари пропорционал равишда, яра ўлчами катталаниши билан тромбоцитлар сони камайиб бориши кузатилиб, гемостаз жараёнини сустлашувига олиб келади. Унда тромбоцитлар сони-0,5 см ярада- $221 \pm 15,0$; 0,5-1,0 смда- $163,0 \pm 3,5$; 1-2,0 смда- $145,0 \pm 2,0$; 2,0 см катта яраларда эса $-133,0 \pm 3,5$ ни ташкил этади ($p \leq 0,001$).

Тромбоцитлар агрегацияси жараёни ўз ўзидан тромбоцитлар сони ва жароҳатланган томирлар сонига боғлиқлиги сонли катталиқларда ўз актини топди. Агрегация жараёни 0,5 см ўлчамли ярада - $61,0 \pm 2,21\%$; 0,5-1,0 см катталиқдаги яра кузатилганда - $57,3 \pm 2,1\%$; 1-2,0 смли ярада - $43,2 \pm 1,1\%$ ва 2.0 смдан катта яраларда - $39,0 \pm 2,1\%$ ни ташкил этди.

Қон ивиш вақти динамикасида ҳам ўхшаш манзара кузатилди (0.5 см - $4,17 \pm 0,51$; 0,5-1,0 см - $3,65 \pm 0,45$; 1-2,0 см - $3,51 \pm 0,5$; 2,0 см катта - $3,12 \pm 0,45$).

Тромб қисмларининг фаоллашиш вақти кичик яраларда (0.5 см) - $28,6 \pm 1,3$ секунд; 0,5-1,0 см ўлчамли яраларда эса - $25,4 \pm 1,5$ секунд; 1-2,0 смли яраларда $-25,0 \pm 1,0$ сония; 2,0 смдан катта ўлчамли яраларда эса $-25,4 \pm 1,5$ сонияни ташкил қилди.

ПТИ ҳисобланганда ишонарли силжишлар аниқланди. Унга кўра 0.5 смли ярада- $87,6 \pm 1,5\%$; яра диаметри 0,5-1,0 см бўлганда- $84,6 \pm 2,3\%$; нисбатан

катта ўлчамли яра кузатилганда (1-2,0 см) $-75,0 \pm 2,0\%$; 2,0 смдан катта яра учраганда $-72,6 \pm 1,5\%$ эканлиги аниқланди.


Тромбин ҳосил бўлиш вақти ва фибриноген миқдори таҳлил қилинганда статистик фарқ у қадар аҳамиятли бўлмади. Кўрсаткичлар бир бирига яқин катталиқларда намоён бўлди. Бунга кўра яра ўлчамидан катъий назар тромбин ҳосил бўлиш вақти асосан 16,8 дан-17гача ораликда кузатилган бўлса (0.5 см - $17,0 \pm 1,7$; 0,5-1,0 см - $16,8 \pm 1,3$; 1-2,0 см - $17,0 \pm 1,7$; 2.0 см катта - $16,8 \pm 1,3$), фибриноген 1.77 дан – 2.44 гачалиги (0.5 см - $2,44 \pm 0,2$; 0,5-1,0 см - $2,17 \pm 0,2$; 1-2,0 см - $1,99 \pm 0,2$; 2.0 см катта - $1,77 \pm 0,2$) аниқланди.

Меда ва ўн икки бармоқли ичак яраси аниқланган беморларни ташхислаш, ярадан қон кетиши ва гемостаз механизмларини тўғри талқин қилиш мақсадида, уларнинг жинсий ва типологик хусусияларидан келиб чиқиб ўрганилди.




2-расм. Астеник тана тузилишига эга бўлган қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз тизимидаги ўзаришлар эркак ва аёл жинсига боғлиқ холдаги кўрсаткичлари

Ушбу 2-расмдан кўриниб турибдики гемостаз кўрсаткичлари астеник тана тузилишли эркак жинсли беморларларда аёлларга қараганда сезиларли ўзгарган ($p \leq 0.05$).



3-расм. Нормостеник тана тузилишига эга бўлган қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз тизимидаги ўзаришлар эркек ва аёл жинсига боғлиқ ҳолдаги кўрсаткичлари

Олинган натижалар шуни кўрсатяптики нормостеник тана тузилишли аёл жинсли беморларда гемостаз кўрсаткичларининг эркек жинсли беморларга қараганда ўзгаришлари камроқ намаён бўлди ($p \leq 0.05$).



4-расм. Гиперстеник тана тузилишига эга бўлган қон кетиш билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз тизимидаги ўзаришлар эркек ва аёл жинсига боғлиқ ҳолдаги кўрсаткичлари

Гиперстеник тана тузилишли беморларда аёл ва эркек жинсли беморларда гемостаз кўрсаткичлари назорат гурухи билан солиштирганда бир хилда ўзгариши аниқланди. ($p \leq 0.05$).

ХУЛОСАЛАР

«Қон кетиши билан асоратланган меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги мавжуд беморларда гемостаз бузилишининг патофизиологик аспектлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гастродуоденал қон кетган беморларда гемостаз бузилишининг асосий патофизиологик механизмлари тромбоцитлар агрегациясининг пасайиши, қон кетиш вақтининг узайиши, қон ивиш вақтининг узайиши, Қисман фаоллашган тромбопластин вақтининг ошиши кўринишида намоён бўлади.

2. Тромбоцитлар агрегацияциясининг кучайиши, шунингдек қоннинг агрегация хусусияти орасидаги боғлиқлик ва ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши, қон кетиш билан асоратланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги ривожланишида патофизиологик ўрнidan далолат беради.

3. Рецидив қон кетиш кузатилганда қон ивиш тизимининг патологик каскади ишга тушиб, гиперкоагуляция ва ундан сўнг коагулопатия натижасида гипокоагуляция кўринишида намоён бўлади. Қисман фаоллашган тромбопластин вақтининг активлашиши ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигида қайта қон кетишга мойиллик ривожланишини кўрсатади.

4. Ўтказилган илмий тадқиқот натижасида бемор жинси ва қон гурухи, тана тузилиши, қон йўқотиш босқичи ҳамда қон кетиши, гемостаз тизимининг бузилиши кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги ўрнатилди.

5. Илмий таҳлиллар натижаси шуни кўрсатяптики, қонаётган гастродуоденал яраларни ташхислашда ва патогенитик даволаш усулларини танлашда нафақат қон йўқотиш босқичи ва қон кетиш интенсивлиги, клиник анамнестик, инструментал маълумотлар, балки гемостаз тизимидаги чуқур ўзгаришлар муҳим рол ўйнайди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АЛИМОВ СУХРОБ УСМОНОВИЧ

**ПАТОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ НАРУШЕНИЯ
ГЕМОСТАЗА У БОЛЬНЫХ С ЯЗВЕННОЙ БОЛЕЗНЮ
ЖЕЛУДКА И ДВЕНАДЦАТИПЕРСТНОЙ КИШКИ С
ОСЛОЖНЕННЫМ КРОВОТЕЧЕНИЕМ**

**14.00.16 – Нормальная и патологическая физиология
14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1206.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyounet" (www.ziyounet.uz).

Научные руководители:

Каримов Хамид Якубович

доктор медицинских наук, профессор

Мавлянов Алимбай Разакович

доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Закиров Ёркин Узуевич

доктор медицинских наук, профессор

Турсуметов Абдусаттор Абдумаликович

доктор медицинских наук

Ведущее учреждение:

Андижанский государственный медицинский институт


Защита диссертации состоится «19» 10 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Зал заседания 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 999). Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел / факс: (+99878) 150-78-14.


Автореферат диссертации разослан «07» ОКТОБРЯ 2021 г.

(реестр протокола рассылки № 16 от «07» ОКТОБРЯ 2021 г.)




Г.И. Шайхова
Председатель Разового научного совета на основе
Научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор


Д.Ш.Алимухамедов
Учёный секретарь Разового научного совета на основе
Научного совета по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук


А.Б.Саидов
Председатель Разового научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Язвенная болезнь желудка и двенадцатиперстной кишки – сложный патологический процесс, в основе которого лежит воспаление слизистой оболочки желудка и двенадцатиперстной кишки, в подавляющем большинстве случаев инфекционного происхождения, и это продолжает сохранять лидирующее место в структуре заболеваний органов брюшной полости. Раневое заболевание - одно из самых распространенных заболеваний, которым страдает 5-15% взрослого населения. По данным ВОЗ «...время болезни для человека и для общества в целом» (согласно показателям DALY)¹ и язвенная болезнь по разным странам составляет от 20 до более чем 220 на 100 000 населения, а число смертей, обусловленных ЯБ желудка и двенадцатиперстной кишки - 246 000. В последние годы среди населения увеличивается частота язвенных гастродуоденальных кровотечений (ЯГДК).

При этом тяжесть состояния пациентов объясняется степенью кровопотери и интенсивностью кровотечения в зависимости от возраста пациента и дополнительных сопутствующих заболеваний. Поэтому патофизиологические аспекты гемостаза у пациентов с язвой желудка и двенадцатиперстной кишки, осложненной кровотечением, являются одним из важнейших проблемных вопросов.

Во всем мире ведутся научные исследования, направленные на повышение важности патофизиологических аспектов нарушений гемостаза у пациентов с ЯБ желудка и двенадцатиперстной кишки, осложненной кровотечением. В этой связи особое значение имеют научные исследования по изучению зависимости между нарушениями системы гемостаза и метаболическими изменениями, возникающими в язвенных болезнях, нарушении системы гемостаза у больных с язвой двенадцатиперстной кишки и осложненной желудочным кровотечением, определения зависимости гастродуоденального кровотечения у больных к степени кровопотери, улучшению методов лечения патогенетически обоснованного с дифференциальным подходом к язвенной болезни двенадцатиперстной кишки и осложнённого желудочным кровотечением.

